Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 128 (5989).

2 ИЮЛЬ

ШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ВИСТАВКА МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кенгаши 1976 йилги иш якунлари юзасидан социалистик мусобақа голибларига мукофотлар берди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан 5 киши виставканинг олий мукофоти — фахрий диплом ва «Москвич» автомашинасига сазовор бўлди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларидан 12 кишига фахрий дипломлар ва «Урал» мотоцикллари берилди.

Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, илмий муассасаларнинг 90 та коллективи фахрий дипломлар ва қимматли совғалар олишга сазовор бўлдилар. Булар орасида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон область Марҳамат районидаги «Комсомол 50 йиллиги» колхози, Шуманай районидаги «Правда» колхозининг Калинин номли бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва юксак иш сифати учун, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш учун курашда ўрнак кўрсатган бошқа меҳнат коллективлари бор.

Халқ хўжалиги ходимларидан 530 киши виставканинг биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлари билан тақдирландилар.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ҒОЯВИЙЛИГИ

МАМЛАКАТИМИЗ меҳнаткашлари ижтимоий онгининг юксак даражаси, уларнинг жуда бой коллектив тажрибаси ва сиёсий ақл-идроки СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ томонидан муҳокама қилинаётган шу кунларда жуда равшан намоён бўлмоқда. Замонамиз ғоят буюк ҳужжатининг сермазмун сатрларида ҳам, жонли воқелигимизда ҳам, коммунистик қурилишнинг кундалик ишларида ҳам курашчи ва бунёдкор, ривожланган социалистик жамият гражданининг бутун улуғворлиги ва маънавий қиёфасининг гўзаллиги жаҳонга намойиш қилинмоқда.

Ленин партияси тарбиялаб етиштирган янги совет кишиси — бизнинг тарихий ғалабамиз, Улуғ Октябрь байроғи остида олтмиш йил мобайнида босиб ўтилган йўлнинг энг муҳим якунидир. Совет кишиси — коммунистик эътиқодни ва битмас-туганмас ҳаётий ғайратни, юксак маданият, билимни ва ўнн амалда қўллана билиш маҳоратини ўзида уйғунлаштирган кишидир.

Коммунизм ғояларига чексиз садоқат, шу ғояларнинг тантанасига комил ишонч совет кишиларн ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфаси ҳамда характерининг асосий хусусиятидир. Социалистик Ватан истиқболи шу ғоялар билан чамбарчас боғланганлиғир. Мана шу чуқур ишонч Совет Иттифоқи Давлат гимнининг қуйидаги сатрларида яққол ифода этилган:

«Ўлмас коммунизм порлоқ ғоялари
Юртнинг келажагин ёритар аён».

Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ғоявийлиги, сиёсий онглилиги, социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ҳамма йўналишларда оғишмай олға боришининг энг муҳим омили бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мана шунинг учун ҳам бизнинг партиямиз омманн ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш проблемаларига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. КПСС XXV съезди ўтгандан кейинги давр мобайнида шу масалалар юзасидан Марказий Комитетнинг бир қанча муҳим қарорлари қабул қилинди, назарий ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Жумладан «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси», «Социалистик ҳаёт тарзи ва идеологик иш масалалари» мавзуида яқинда ўтказилган Бутуниттифоқ конференциялари катта аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистик қурилиш ва янги кишини тарбиялаб вояга етказиш манфаатлари идеология ишларини тобора такомиллаштиришни талаб қилади. Гап, аввало, меҳнаткашлар сиёсий уқувининг, кадрларга, барча совет кишилари — коммунистлар ва партиясизларга марксча-ленинча таълим беришнинг миқёсларини кенгайтириш ва самарасини оширш тўғрисида бормоқда. Партия ташкилотлари омманн революцион назариян ўрганишга жалб этиш билан бирга КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, ҳозирги сиёсий вазиятни ва ундан келиб чиқадиган конкрет вазифаларни оммага яққол тушунтириб беришлари лозим.

Партия совет кишиларнни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтирш тўғрисида ғамхўрлик қилар экан, коммунистик ғоявийлик — билимлар, эътиқод ва амалий ҳаракатнинг узвий бирлиги эканлигини назарда тутиб шунга асосланади. Ғоявий-сиёсий чиниқиш жамият олдидаги бурчни ва масъулиятни чуқур тушунишни билдиради, бизда ва чет элларда инқилоий ҳаёт воқеаларини тўғри тушуна билиш, воқеалар ва фактларга синфий ёндошэ билиш маҳоратини тақозо қилади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи хусусиятларини ҳисобга олганда бунн эслатиб ўтиш ўринлидир. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида айтиб ўтилганидек, бу босқич халқаро майдонда синфий курашнинг кучайиши билан характерлидир. Империалистик кучлар социализмнинг муваффақиятлари ва ўсиб бораётган таъсиридан кўрқиб, кескинликни юмшатишга ҳар жиҳатдан халақит беришга уринмоқдалар, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши идеология соҳасида қўпорувчилик ишларини, антисовет, антикоммунистик тухмат кампанияснни уюштирмоқдалар. Улар катта пропаганда аппарати ва энг янги техника воситалари ёрдамн билан социализмнинг мафкуравий негизларнни бўшаштиришга, хусусий мулкчилик, миллатчилик ва диний хурофотларни, жамиятимизга ёт бўлган урф-одатлар ва қарашларни жонлаштиришга уринмоқдалар.

Жаҳон сиёсатидаги ижобий силжишлар, халқаро кескинликнинг юмшаганлиги социализм ғояларнни кенг ёйиш учун қулай имкониятлар яратади, айни вақтда иккинчи томондан икки система ўртасидаги ғоявий кураш янада активлашади, империалистик пропаганда янада кескин тус олади, деб КПСС XXV съезди чиқарган хулоса тўғри эканлигини ҳаёт батамом тасдиқлади. Бу хулоса совет кишиларн зиммасига кўпгина вазифаларни юклайди.

«Икки хил дунёқараш ўртасидаги курашда, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарн ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида, — бетарафликка ва ёнбосишларга ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу курашда сиёсий хушёрлик юксак даражада бўлиши, пропаганда ишн актив, оператив ва ишонтирарли равишда бўлиши, душманнинг идеологик диверсияларига ўз вақтида зарба берилиши лозим».

Буржуа идеологиясининг, сиёсий беспарволик ва хотиржамликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик, бу кўринишларга принципиал баҳо бериш ва уларга қарши актка кураш олиб бориш барча коммунистларнинг, ҳар бир коллективнинг, ҳар бир совет кишисининг энг муҳим бурчларидан бирндир.

Энг муҳим вазифа — меҳнаткашларнинг баркамоллиги, ғоявийлигини янада ошириш, уларда сиёсий курашчи фазилатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга партия ташкилотларнинг куч-ғайратини сафарбар қилишдан иборат. Бундай фазилатларнинг қарор топишига идеология ишимизнинг жанговарлиги, ҳужумкор руҳда бўлиши, буржуа пропагандасининг усулларн ва методларнни ўз вақтида ва қатъий фош этиш ишлари ёрдам беради. СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокама қилинаётганлиги ва Октябрь революцияси 60 йиллигининг яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан совет ҳаёт тарзини социалистик системанинг капиталистик системадан афзалликларини пропаганда қилиш янада катта аҳамият касб этади.

Мамлакат Асосий қонунининг лойиҳасини кўздан кечирар эканмиз, тузумимизнинг, меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган, ғоявий ва онгли жамияти, ватанпарварлар ва интернационалистлар жамияти бўлган ривожланган социалистик жамиятимизнинг реал тарихий афзалликларини янада яққолроқ кўрамиз.

Ғоявий эътиқод — совет кишилари маънавий кучининг, уларнинг социал умидворлиги ва коммунистик идеаллар тантанаси учун курашдагн қудратли куч-ғайратининг манбандир.

[«ПРАВДА» газетасининг 1 июлдаги бош мақоласи].

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 1 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)		
Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.		
Калинин	0,5	76,8
Ўрта Чирчиқ	0,2	71,7
Оққўрғон	0,1	71,5
Пискент	0,3	70,6
Бўка	0,5	69,8
Қуйи Чирчиқ	0,1	69,6
Бекобод	0,7	69,4
Оҳангарон	1,7	66,0
Оржоникидзе	0,3	65,2
Тошкент	0,2	64,6
Чиноз	0,5	63,2
Янгийўл	0,4	59,6
Юқори Чирчиқ	1,2	59,2
Бўстонлиқ	1,5	50,8
Область бўйича:	0,7	67,4

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози коллективининг июль-август ойларини эрта ва мўл пахта ҳосили тўплашда зарбдор ой деб эълон қилиш ва шу даврда ғўзага ишлов бериш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози белгилаган тадбирларни кенг муҳокама қилиш ва беш кунлик муддат ичида июль-август ойларида ғўзага ишлов беришни жадаллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан кунлик қатъий назорат ўрнатиш;

каноп, маккажўхори, шоли, сабзавотполиз, озуқа экинлари, боғ ва узумзорларда барча агротехник тадбирлар комплексининг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишини таъминлаш;

далаларга «Сифат белгиси» бериш ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш;

сабзавот, картошка, мева маҳсулотларини териб олиш ва давлатга сотиш суръатларини тезлаштириш, ҳосилнинг пес-нобуд бўлишининг олдини олиш, ҳар бир хўжалик ва районнинг давлатга камида уч йиллик план миқдорида мева сотишига эришиш;

молларни сақлаш ва боқишни яхшилашга алоҳида эътибор бериш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, гўшт, сут, тухум етиштириш ва озуқа ҳамғарнш суръатларини тезлаштириш.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область радиоси ва телевидениесига илғор бригада, колхоз ва совхоз коллективларининг эрта ва мўл пахта ҳосили етиштириш учун курашиш йўлидагн иш тажрибаларини кенг пропаганда қилиш вазифаси топширилди.

БЎКА РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИНИНГ 1977 ЙИЛ ИЮЛЬ-АВГУСТ ОЙЛАРИДА ҒЎЗАГА ИШЛОВ БЕРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Барча совет кишилари сингари Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладини, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини яқдиллик билан маъқулламоқдалар. Давлат ҳокимияти олий органининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисидаги қарори колхозчиларга катта қувонч ва кўтаринки руҳ бахш этди. Мамлакатнинг Асосий Қонунида, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида Коммунистик партиянинг Совет давлатини мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш, социалистик демократияни янада гуллаб-яшнатиш, совет халқи фаровонлигини янада юксалтириш ҳақида чексиз ғамхўрлик қилаётганликларини яққол кўриб турибмиз.

Колхоз меҳнаткашлари бундай ғамхўрликка жавобан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда юксак натижаларга эришишга аҳд қилдилар. Улар минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш юзасидан қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кучайтирадилар.

Деҳқонлар табнат инжиқликларини енгиб юксак уюшқоқлик ва маҳоратни намойиш этдилар. Фидокорона меҳнат қилиб ғўзанинг ривожланишдаги қолоқликни бартараф этдилар, ҳар гектар майдонда 130 минг туп кўчат бўлишини таъминладилар.

Ҳозир агротехник тадбирлар комплексининг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилаётганлиги туфайли ғўза текис гуллаб, ҳосил тугиш арафасида турибди. Ғўза ҳозиргача тўрт марта культивация қилинди, ҳамма майдонлар бегона ўтлардан тозаланди, 280 гектар майдонда зараркунандаларга қарши июнь марта кимёвий препаратлар билан ишлов берилди. Область пахтакорлари Совети ҳамда колхоз правлениеси ва партия комитетининг қарори билан ташкил этилган сифат комиссияси тавсияларига биноан барча майдонлар текшириб чиқилди, гектарлардаги кўчат қалинлиги аниқланди ва бригада бошлиқлари, механизаторлар ҳамда бригада аъзоларига акт билан топширилди.

Юқори ҳосил учун ишончли асос яратиш юзасидан маълум ишлар амалга оширилди. Эндиликда қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва терим мавсумигача қолган вақт ичида ҳар бир тўп ғўзада камида 13 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилиш, бунинг учун ғўзага ишлов беришда амалий тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Олдинда — масъулиятли ва жиддий ишлар турибди. **Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр ҳисобланган июль—август ойлари пахтачиликда алоҳида аҳамиятга эгадир.** Колхоз правлениеси, партия комитети билан ҳамкорликда ғўзага ишлов бериш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга оширишни белгилади:

Ғўзанинг ривожланиши мунтазам кузатиб борилади, мўл ва эртаки ҳосил етиштириш учун ғўза парваришн табақалаштирилган ҳолда ўтказилиб зарур агротехник тадбирлар кўрилади. Шу мақсадларда ўсишдан орқада қолаётган ерлар мавжуд бўлган бригадаларда қўшимча конкрет тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларни амалга оширилиши юзасидан кундалик назорат ўрнатилган. Бу участкаларга колхоз партия активларидан масъул кишилар бириктириб қўйилган.

Пахта майдонларида тупроқни доим юмшатилган ва нам ҳолда сақлаш таъминланади, барча культиваторлар махсус ҳимоя мосламалари билан жиҳозлашган, бу тадбир—гул, шона ва кўсакларга шикаст етказмасдан тўла сақлаб қолиш имконини беради.

Ҳар бир литр сувдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Ҳамма бригадаларда ғўзани тунда суғориш ташкил этилади. Сувчиларнинг юксак унум билан ишлашлари учун барча маданий-маиший шароитлар яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилади. Сувчиларнинг модлий манфаатдорлигини ошириш мақсадида қундузги ёки тунги суғоришга табақалаштирилган ҳолда иш ҳақи тўланади. Бунда ишнинг сифати албатта эътиборга олинади. Шуйўл билан вегетация даврида ғўзани жами 4 марта қопдириб суғорилади. Жумладан, июль—августь ойларида ғўзага икки марта сув қўйилади ва у 20 августгача тугалланади. Сувнинг миқдори, суғориш муддати ер ва тупроқ шароитига, ер ости сувларининг жойланиши ва ғўзанинг ҳолатига қараб белгиланади.

Ҳамма бригадаларда правление ва парткомитет аъзоларидан навбатчилар ажратилган. Улар тунги суғоришнинг сифатини текшириб борадилар.

Юқори ҳосил тўплаш учун минерал ҳамда органик ўғитлардан омилкорлик билан фойдаланиш лозим. Ҳозиргача бир йилга мўлжалланган азотли озуқалар бериб бўлинди. Органик ўғит тупроқ структурасини яхшилайди, ғўзанинг яйраб ўсишини таъминлайди. Шуни ҳисобга олиб, вегетация даврида ҳар гектар ерга олти тоннадан, ривожланиши паст бўлган участкалардаги ғўзаларга 40 тоннагача маҳаллий ўғит солинади. Шу мақсадда маҳаллий ўғит тўплаш ва далага чиқариш билан шуғулланувчи махсус бригада тузилган. Бригада йил давомида мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Бригадага 13 та трактор прицепи ва 2 та юклагич механизми бириктириб қўйилган.

Асосий эътибор культивацияни ўз вақтида, сифатли ўтказишга қаратилади. Вегетация даврида ўсимлик 8 марта, ёки ўтган йилдагига нисбатан 2 марта кўп культивация қилинади. Ҳар бир сувдан сўнг эгатлар 36—39 ишчи органлари осилган культиваторлар билан ишлатилиб турилади. Культивациянинг чуқурлиги 16—18 сантиметр, кенглиги эса 70 сантиметр бўлади. Бундан ташқари ҳар бир суғоришдан сўнг қўлда чопиқ қилинади.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳар томонлама пухта ташкил этилади. Шу мақсадда ҳар бир бригадага махсус қузатувчи бириктириб қўйилган. У ҳар куни эгат оралайди, зараркунанда борлиги аниқланган ерга байроқча қадаб қўйилади ва зудлик билан зараркунандаларни йўқотиш чоралари кўрилади. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш фақат ОБХ-14 агрегати ёрдамида олиб борилади. Заҳарли кимёвий моддаларнинг яхши таъсир этиши учун ғўзага эрта тонгда, кечки паллада, шунингдек, тунда ишлов берилади.

Меҳнат унумдорлигини оширамиз, юксак меҳнат интизомини таъминлаймиз, ҳар бир колхозчи учун белгиланган иш нормасининг бажарилишига эришамиз. Колхозчиларнинг ва меҳнатга яроқли аҳолининг дала ишларида тўлиқ иштирок этишига эришамиз.

Пахтачилик бригадалари коллективлари ўртасида далаларга «Сифат белгиси» бериш ҳаракатини кенг авж олдирамиз.

Қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш юзасидан далаларга «Сифат белгиси» бериш тўғрисида область партия комитетининг 1977 йил 10 июнь қарори билан тасдиқланган Низомига биноан 1 июлдан 15 августгача ҳар бир бригадада ғўзанинг ривожланиши текшириб борилади. Текширув натижалари колхоз правлениеси ва партия комитети йиғилишларида кўриб борилади. Даласига «Сифат белгиси» берилган коллективларга 50 сўмдан 100 сўмгача пул мукофоти ажратилади.

Ҳар бир гектарда маълум миқдорда кўчат бўлишини таъминламай туриб, юқори ҳосил олиш мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда колхоз правлениеси ва партия комитетининг қарори билан кўчат қалинлигини терим пайтигача сақлаб қолган бригада аъзоларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча тадбирлар белгиланади. Терим давригача ғўза қалинлигини тўла сақлаб қолишга эришган бригада аъзоларига қатор ораларига ишлов бериш пайтидаги ўртача иш ҳақининг 10 — 20 процентн миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Бунинг учун ҳар бир культивациядан сўнг ёки ҳар 10 — 12 кунда картадаги ғўза туплариннг сони қайта аниқланади. Натижага кўра голиб бригада коллективи ҳамда уларга бериладиган қўшимча пул мукофоти миқдори белгиланади.

Культивацияни ўз муддатида сифатли қилиб ўтказиш, шунингдек айрим бегона ўтларни қўл кучи билан йўқотиш ҳисобига далалар ҳар томонлама тартибли сақланади. Бу минерал ва органик ўғитлардан, сувдан самарали фойдаланиш, шунингдек, далаларни машина теримига сифатли тайёрлаш имконини беради.

Чеканкани 16 июлдан кечикмай бошлаб юборамиз. Бу тадбир 8 иш кунида тугалланади. Бунинг учун 6 та машина ва ён шохларн чеканка қилиш учун 250 колхозчи сафарбар этилади.

Ҳар бир тупда 2-3 тадан кўсак очилгандан сўнг, яъни 25 августдан кечикмай дефолиацияни бошлаймиз. Бу ишни 5 сентябргача тўла тугаллаймиз. Ҳамма пахтазорларда ғўзани ОВХ-14 агрегати билан дефолиация қиламиз.

Колхозчиларимизнинг юксак унум билан ишлашн учун колхоз правлениеси ва партия комитети қулай маданий-маиший шароитларни яратиб берадилар. Барча типовой ва мавсумий дала шийпонлари яхши жиҳозланган, радио-приёмниклар билан таъминланган, ҳамма шийпонларда иссиқ овқат қилинади. Газета, журналларнинг янги сонлари мунтазам етказиб берилади. Колхозчилар ўртасида оммавий агитация ишлари кучайтирилмоқда. Халқаро темаларда лекциялар уюштирилмоқда, хўжалик олдида турган муҳим вазифалар хусусида суҳбатлар уюштирилади. Барча бригадалар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Мусобақа ғолибларини мукофтлаш учун битта кўчма Қизил байроқ таъсис этилган, у ҳар 10 кунлик якуни бўйича ғолиб бригадага пул мукофоти билан қўшиб берилади.

Колхоз меҳнаткашлари июль-август ойларини ғўзага ишлов беришда зарбдор давр, деб эълон қиладилар. Бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олиш учун астойдил курашадилар. Улар зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарадилар ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

БУ ТАДБИРЛАР КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ИЙҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

З. ҚОДИРОВ.

МИРИШКОР СУВЧИ

ПАПКАЛЛАРДАГИ ғўзалар шоналаб бир текис ҳосил олмоқда. Эгатларда сув бир меёрида жилдираб оқмоқда. Пахтазорга қараган кишининг кўзи қувонади: далалар ўзгача гўзаллик, латофат касб этган.

Эгат оралаб юрган Раҳмат ака Ғиёсов сувнинг бир меёрида оқишини таъминламоқда. Сувчи бу борада бой тажрибага эга. Мана, ўн беш йилдирки, Р. Ғиёсов, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг Эрмат Усмонов бошчилик қилаётган бригадасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

— Июнь-июль ойида ғўзани сувга қондирган деҳқон ҳеч қачон ютқазмайди, — дея ган бошлайди ўз иш тажрибалари ҳақида моҳир сувчи Р. Ғиёсов. — Чунки бу ойларда ҳарорат кескин кўтарилиб, экинлар кўпроқ сув талаб бўлади. Сувни қўллатмасдан ўз маромида суғориш ҳам катта аҳамиятга эга.

Раҳмат ака Ғиёсов ўз иш тажрибаларини ёш сувчиларга ўргатиб келмоқда. Бригадада деҳқончилик тилини биладиган ёшлар анчагина. Шунинг учун ҳам бригадада йилдан-йилга «оқ тин» ҳосилдорлиги ортиб бормоқда.

Айни кунларда бригада пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйинга муносиб совға тайёрлаш ниятида меҳнат қилишяпти. Улар бу йил «оқ олтин» ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш учун астойдил курашишмоқда.

Зиммадаги мажбуриятни бажариш учун бригаданинг ҳар бир аъзоси ғўза парваришида актив қатнашаётир. Сувчилардан Асад Бобожонов, Эргаш Раззоқов Раҳмат ака билан ёнма-ён турнб, ғўза ниҳолларини оби-ҳаётга қондирмоқда. Механизатор Сирожиддин Дадабоев эса сувдан чиққан майдонларни оби-тобида культивация қилаяпти.

Бир текис гуллаб турган ғўза ниҳоллари кўзни қувонтиради. Бунда моҳир сувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Р. Ғиёсовнинг баракали ҳиссаси бор.

Г. ИСОҚОВА.

ОБЛАСТЬ «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча область «Билим» жамиятининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум қатнашчилари Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг VII съезди, республика «Билим» жамиятининг VIII съезди якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети май Пленуми материаллари ва СССР Конституцияси лойиҳасини пропаганда қилишни авж олдириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Шу масала юзасидан область «Билим» жамияти правленнесининг раиси ЎзССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Э. Ю. Юсупов доклад қилди.

Пленум ишида область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев ва республика «Билим» жамияти правленнеси раисининг биринчи ўринбосари Г. П. Пўлатов ўртоқлар қатнашди.

ОРОЛ БЎЙИ ШОЛИКОРЛАРИНИНГ СЎЗИ

ОҚМАНҒИТ. 1 июль.. [ЎзТАГ]. Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида Қорақалпоғистон АССР шоликорларининг кенгаши бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов шоликор хўжаликларнинг коллективлари Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Чапаев номли совхоз директори О. Курбоннёзов «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг директори А. Отамуротов, «Партия XXII съезди» совхозининг директори Д. Жолхўжаев, «Маданият» совхозининг директори Е. Панаев, «Равшан» совхози учинчи бўлимининг бошқарувчиси У. Азиров, «Қораўзак» совхозининг бригадири Т. Ормбетов, «Майяб» совхозининг бригадири И. Нурмнов, «Олтинкўл» совхозининг бригадири Қ. Нуримбетов, «Октябрь» совхозининг бригадири М. Нурлепесов, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг хўжалик ҳисобидаги бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Кан, Чапаев номли совхоз иккинчи бўлимининг бошқарувчиси Ж. Ўтемуротов қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар таъкидладиларки, СССРнинг янги Конституциясн лойиҳасини маъқуллаган КПСС Марказий Комитетн 1977 йил май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетн Бош Секретарн ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет давлатн бошлиғи лавозимига сайланганлиги, Октябрнинг 60 йиллигн байрамига тайёргарлик автоном республика шоликор хўжаликлари ходимларининг, барча меҳнатчиларининг сиёсий активлигн ва меҳнат ғайратини мисли кўрилмаган даражада кучайтириб юборди. Шоликорлар зиммаларига олган мажбуриятларини бажара бориб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида шолидан рекорд ҳосил олиш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар. Орол бўйи шоликорларининг юксак маҳорати, фидокорона меҳнати, сув ресурслари, машина-механизмлар, минерал ўғитлар, гербицидлардан, шолн етиштириш агротехникасидан, тўпланган барча энг яхшн тажрибалардан омилкорлик билан фойдаланиш об-ҳаво инжиқликларига қарама-қаршн қилиб кўнилди. «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг С. Холмуротов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадаси автоном республика шоликорлари учун чинакам машъал бўлиб қолди. Бу ерда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланнш йўли билан 320 гектар майдондаги иккинчи яхшн ривожланишига эришилди. Ҳар гектар ердан 60 центнердан, яъни план топширигида белгиланганидан 20 центнер кўп дон йиғиштириб олишдан иборат мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Кўпгина деҳқонлар юксак марраларни белгиладилар. Чапаев номли совхоз меҳнатчилари ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 65 центнер, «Партия XXII съезди» совхози 58 центнер, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози 57-центнер шолн йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Чапаев номли ва «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозларининг Ж. Утемуротов билан А. Кан бошлиқ илғор бўлимларн ўз далаларининг ҳар гектаридан 70 центнердан шолн йиғиштириб олишга сўз бердилар.

Кенгаш қатнашчилари барча майдонларда ўсимликларнинг нормал ривожланишини таъминлаш, мўл ҳосил тўплаш учун экиларнн парвариш қилишнн кучайтиришга ғарурлигига, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилишга алоҳида эътиборнн қаратдилар.

Шоликорлар кенгаши ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартиясн Марказий Комитетининг биринчи секретарн Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари автоном республикадаги барча шоликорларни Октябрь юбилейн шарафига социалистик мусобақани янада авж олдиришга даъват этдилар. Янги оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. 7 ноябргача ватан омборларига Орол бўйи қўригидан 180 минг тонна шолн етказиб беришга қарор қилинди.

[ЎзТАГ].

ҒЎЗАГА СУЮҚ ЎҒИТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти олимлари яратган янги суюқ мураккаб ўғитдан фойдаланганда ғўзага ўғит солиш рентабеллиги ундан бир ҳисса ошади. Суюқ ўғит таркибидаги озуқа моддалари, таъсир самарадорлиги жиҳатидан одатдаги аммонийлаштирилган суперфосфатдан қолишмагани ҳолда анча арзонга тушади — ҳар бир тоннаси тўйинганлиги жиҳатидан тенг бўлган қаттиқ минерал азот-фосфорли аралашмаларига нисбатан 15 сўмдан ошиқ пулни тежайди.

Қўл меҳнатига ва ўғитни буғлаб қуритиш ва қумоқ ҳолга келтириш учун сарфланадиган энергияга барҳам берилган содда ишлаб чиқариш технологик схемаси ҳисобига шунча пул тежалади. Бундан ташқари мочевина ва азот кислотасининг тозаланмаган эритмаси бўлмиш ярим маҳсулотлардан, илгари амалда ишлатилмай келган Қоратов конининг нокондицион фосфатларидан дастлабки маҳсулот сифатида фойдаланилади.

Суюқ ўғит юк ортиш-тушириш, ташиш, тупроққа солиш билан боғлиқ масалаларни анча соддалаштиради. Бундай ўғитни юзига битум қопланган оддий бетон чуқурда сақлаб бериш мумкин.

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ЧИРЧИҚ саноат корхоналарининг ходимларидан саккиз юздан кўпроқ киши ўз оталиқларидаги Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районларида хашак тайёрламоқдалар. Гўшт комбинатининг коллективи қишлоқ меҳнатчилари олдидаги ўз мажбуриятини биринчи бўлиб муддатидан илгари бажарди. Ана шу корхона ишчилари Оржоникидзе районидаги колхозларда 102 тонна қамиш ва ўт-ўлан ғамлаб қўйдилар.

Бошқа коллективларнинг намояндалари ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Трансформатор заводининг ходимлари Н. Орешко бошчилик қилаётган бригадаси пичан ўрувчи машиналари, тракторлари, автомашиналари билан Ўрта Чирчиқ районидаги оталиққа олинган колхозда 500 тоннадан кўпроқ хашак тайёрлади. Чирчиқ шаҳар комсомол комитетининг йиғма отряди ҳам ана шундай астойдил меҳнат қилмоқда. Бу отряд Бўстонлиқ районининг боғларида ва тоғ этакларида ҳозиргача уч юз тонна қамиш, ўт, беда ғамлаб қўйди.

(ЎзТАГ).





Янгийўл районидаги Х. Ту рсунқулов номли колхознинг суғ тобар фермаси коллективи Октябрь юбилейи шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилган. Айни кунларда соғувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа қизғин давом этмоқда. Ёш соғувчилардан Ҳалима Рустамова билан Зуҳра Ёқубова лар устозларидан қолишмай меҳнат қиляпаётир. Улар бу йил ўз қарамоғларидаги соғин сигирлар маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказиш учун курашмоқдал ар.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

СССР ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА

КАСПИЙДАГИ «ЯНГИЙЎЛ»

Эртага СССР Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни нишонланади. Шу муносабат билан қуйида эътиборингизга «Янгийўл» теплоходи экипажи ҳақидаги ҳикояни ҳавола этяпмиз. Бу теплоходни областимизнинг Янгийўл райони меҳнаткашлари ўз оталиқларига олган.

«Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раимберди Йўлдошев Каспий денгизи пароходчилигининг қуруқ юк ташийдиган «Янгийўл» теплоходи экипажига фахрий аъзо этиб қабул қилинди» — бу хабар яқинда Боку шаҳридан келди. Бригадирнинг экипажга аъзо қилиб олиниши бежиз эмас. Янгийўл райони ва шаҳри меҳнаткашлари Каспий денгизчилари билан оталиқ алоқалари ўрнатишган. Колхоз ва совхоз меҳнаткашлари, шаҳар ижроия комитети, кондитер-хамиртуруш бирлашмаси ва маҳаллий мактабларнинг ўқувчилари экипаж аъзолари билан дўстона алоқа боғлаганлар.

Денгизчилар ўз теплоходларида яқинда Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари Д. К. Ҳасанова бошчилигидаги меҳнаткашлар делегациясини илиқ қабул қилдилар. «Оқ олтин» ўлкаси вакиллари кема экипажига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг эсдалик Қизил байроғини топширишди. Денгизчилар республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти эришган ютуқларини чет элларда пропаганда қилишда актив қатнашганликлари ва ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлари учун шу байроққа сазовор бўлган эдилар. Делегация аъзолари шунингдек ўзбек шоир ва ёзувчилари асарларидан ташкил топган кутубхона ва янгийўлликлар ҳаёти ва меҳнати акс этган альбомни ҳам тақдим килдилар.

Меҳмонлар денгизчиларга Ўзбекистон тўққизинчи беш йиллиқни қандай муваффақиятлар билан нишонлаганлиги, республика меҳнаткашлари олдида янги беш йилликда қандай истиқболлар турганлиги ҳақида гапириб беришди. «Янгийўл» кемаси экипажи аъзолари эса денгиз ьахтасида қандай турганликлари, экспорт ва импорт юкларини ташишда қандай ютуқларни қўлга киритаётганликлари билан таништирдилар. Навигация даврида теплоход Боку, Красноводск, Оқтов, Астрахань, Махачқала, Бекдаш сингари Каспий денгизи портларидан ўтади. У ерга ёғоч, пахта, туз, автомобиль ва бошқа ҳар хил юкларни етказиб беради. «Янгийўл» тез-тез Эрон портларида ҳам бўлиб туради.

Ҳозир «Янгийўл» теплоходи Волга-Дон каналидан ўтиб, Қора денгизда сузмоқда. Бу азим денгизда кема муҳим халқ хўжалик юкларини Қора Денгиз, Азов ва Ўрта Ер денгизидаги портларга олиб бормоқда.

120 метрлик «Янгийўл» теплоходи «пахта ва ёғоч ташийдиган кема» деб аталади. У Горький областидаги Наваш кемасозлик заводида курилган. Конструкторлар «Янгийўл» теплоходи сузиш доираси ниҳоятда кенг кема бўлишини назарда тутишган. У денгизда ҳам, дарёда ҳам бир хилда суза олади, кучли двигателлари тезликни 10 узелгача ошириш, тўрт тоннагача юкни ташиш имконини беради. 1976 йилнинг декабрида теплоход ўзининг туғилган кунини нишонлади.

Янгийўлликлар билан денгизчилар тез-тез ёзишиб турадилар. Бу мактубларда денгизчилар узоқ денгиз ва океанларга қилган саёҳатлари, рейслари ҳақида гапириб берадилар. Теплоход ана шундай рейсларнинг бирида Сицилиядан лимон ортиб қайтарди. Ион денгизида кема кучли бўронда қолди. Бу бўроннинг кучи 12 баллгача етди. Команда икки кечаю-икки кундуз офат билан олишди. Барча матroслар вахтани хушёрлик билан олиб бордилар, кеманинг двигателлари ва мураккаб механизмлар тинимсиз ишлашини таъминладилар. Бутун рейс давомида капитаннинг иккинчи ёрдамчиси Тофиқ Аслонов ва боцман Николай Бочкарев бошчилигидаги палуба командаси бир неча мартадан маҳсулотни шамоллатиш учун трюмларни очиб турдилар. Италиядан чиқишганида кун 18 даража иссиқ эди, асосий порт Херсонга келишганда эса термометр 18 даражада совуқни кўрсатарди. «Янгийўл» кемаси денгизчиларининг фидокорона меҳнати туфайли олиб келинган юкнинг сифати аслн ҳолича эди.

Совет денгизчилари ҳар қандай дақиқада ва ҳар қандай шароитда ҳамкасбларга ёрдам беришга шайлар. Бу денгиз қонуни. Варна — Одесса қишки рейсларидан бирида ҳудди шундай бўлган эди. «Янгийўл» теплоходи капитанининг катта ёрдамчиси чап қирғоқда учта қизил ракета отилганини кўрганда кун қорайиб қолган эди. Денгизчилар қизил ракеталарни ҳалокат сигнали дейишади. Совет кемасидан 5 миль узоқда Югославиянинг «Кордун» юк ташувчи кемаси оғир аҳволга тушган эди. «Янгийўл» теплоходи капитани Илём Мамедов ўз ҳамкасби билан радио алоқаси ўрнатди. Маълум бўлишича, кучли бўрон туфайли «Кордун» хавфли аҳволга тушибди. Югославия кемаси қийин аҳволда қолиши мумкин эди. «Янгийўл» теплоходи ўн соат мобайнида шимкастланган кемани яқин оралаги румин портигача кузатиб борди. Тез орада «Янгийўл» экипажи адресига Югославия денгизчиларидан миннатдорчилик мактуби келди. Каспий денгизи кемачилигининг бошлиғи «Янгийўл» теплоходи командасини фахрий ёрлиқ ва совринлар билан мукофотлади.

...«Янгийўл» теплоходи экипажи серқуёш Ўзбекистон вакилларини илиқ ва самимий кутиб олди. Денгизчилар «оқ олтин» ўлкаси вакиллари — янгийўлликлар билан бўлган алоқа йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганидан жуда мамнунлар. Айни кунларда кема бортида Ўзбекистон бурчаги ташкил қилинмоқда. Унга оталиқ ташкилотлари янги экспонатларни юборадилар. Ҳа, Янгийўл шаҳри денгизчилар учун доимий порт лари сингари қадрдон гавань бўлиб қолган.

А. ВИЛЕНСКАЯ,
Ш. ЗАЙНУТДИНОВ.

МАШИНА СОҲИБКОРГА МАДАДКОР

ЭРТА қўклам минглаб кишилар қарийб бир ой мобайнида сермеҳнат қўл иши билан банд бўладилар. Улар кетмон билан ток очадилар. Энди шу ишни механизациялаш мумкин бўлди.

Ток очадиган «ОВП-0,45» машинасининг давлат синови муваффақиятли чиқди. Қурилма кўплаб ишлаб чиқариш учун боғ ва токзорларга машиналар ясаш билан шуғулланувчи махсус конструкторлик бюросининг тажриба заводига ўтказилмоқда. Йил охиригача 50 та шундай аппарат ясалади, сўнгра улар мамлакатнинг ҳамма токчилик хўжаликларига юборила бошлайди.

«ОВП-0,45» машинаси одатдаги пахта тракторига ўрнатилади. Кўмилган ток ёнидан ўтиб бораётган машина кучли вентиляторлар ёрдами билан ток кўмилган дўнгликка кучли ҳаво оқими юборади. Бу оқим тупроқни қатор ораларига чиқаради. Шундан сўнг очилган токни сим ғарларга бойлаб бериш мумкин. Кетмон ишлатишга бутунлай барҳам берилади.

Ҳар бир «ОВП-0,45» агрегати **(Махсус конструкторлик бюроси билан Р. Р. Шредер номли Ўзбекистон боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари конструкция авторларидир)** йилига 1400 сўм пул тежайди, 400 киши-куни қисқаради. Биргина Ўрта Осиё токзорларида шу машиналарнинг жорий этилиши ҳар йили 12 миллион сўм пул тежаб, 3,2 миллион киши-куни бўшатади.

(ЎзТАГ мухбири).

Дунё овози
Чет эл хабарлари

А. Б. ВАЖПАИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон Ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи парламентда бундай деди: Ҳиндистоннинг социалистик мамлакатлар билан муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб боришига шак-шубҳа йўқ. Тинч-тотув яшаш сиёсатини қарор топтиришдан, жаҳонда барқарорликни таъминлашдан, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан умумий манфаатдорлик, деди министр, Ҳиндистон билан социалистик мамлакатлар ўртасида келгусида мустаҳкамроқ ҳамкорлик ўрнатиш зарур эканлигини тақозо этади.

А. Б. Важпаи Осиёнинг жанубий қисмидаги вазиятга тўхталиб, Ҳиндистон ҳукуматининг биринчи навбатдаги вазифаси Ҳиндистонга энг яқин қўшнилар билан ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро ишончни кучайтиришдан иборат, деб таъкидлади. Биз бу йўлда муваффақиятли иш олиб борар эканмиз, уруш қуролларини тинч меҳнат қуролларига айлантирилади ва қитъамизнинг халқлари ўтмишдан қолган энг оғир мерос — қашшоқлик каби умумий душманга қарши муваффақиятли кураш олиб боришлари мумкин, деди министр.

А. Б. Важпаи Ҳиндистон блокларга қўшилмаслик сиёсатига содиқ эканлигини таъкидлади. Кейинги ўттиз йил мобайнидаги воқеалар ҳозирги халқаро вазиятда бу сиёсатнинг тўғри эканлигини тасдиқлади, деб уқтириб ўтди министр.

НОРВЕГИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ХАБАРИ

НЬЮ-ИОРК, 30 июнь. (ТАСС). АП агентлиги мухбирининг Ослодан берган маълумотига қараганда, Норвегия ташқи ишлар министрлиги Суданнинг мунтазам қисмлари Эфиопия чегарасидан ўтиб, Эфиопиянинг Беги шаҳрини эгаллаганликларини хабар қилди. Министрлик хабарида Судан қўшинларининг Эфиопияга бостириб кириши ҳақидаги маълумотлар Норвегиянинг Бегидаги миссионерларидан олинганлиги айтилади.

АМЕРИКАЛИК ҚУЗҒУН ПЕКИНДА

ПЕКИН, 30 июнь. (ТАСС). АҚШ ҳарбий денгиз кучлари штабининг собиқ бошлиғи истеъфодаги адмирал Элмо Замуолт Хитойга ташриф буюрди. У илгари америка ҳарбий денгиз кучларининг Жанубий Вьетнамдаги қўмондони лавозимида ишлаган ва шу тариқа АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив урушда актив қатнашган, ана шу урушни «пировард ғалабагача» давом эттиришнинг ашаддий тарафдори бўлган эди. Э. Замуолт Лаос ва Кампучияни бомбардимон қилишни кучайтиришга ҳам даъват қилган эди. Ҳозирги вақтда Э. Замуолт қуролланиш пойгасини кучайтириш учун, халқаро кескинликни юмшатишга қарши гапларни халойиқ ўртасида айтиб юрганлиги билан машҳурдир.

ЛИВАННИНГ ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 30 июнь. (ТАСС). Ливаннинг жанубидаги аҳвол кескинлигича қолиб кетмоқда. Исроил артиллерияси Жанубий Ливаннинг аҳоли пунктларини доимо ўққа тутмоқда, консерватив партияларнинг ҳарбий бўлинмалари эса миллий-ватанпарвар кучларнинг ва Фаластин қочқинлик кўрсатиш ҳаракатининг позицияларига ҳужум қилиб турибди.

Консерватив кучлар Исроил бронетранспортерлари ва пиёда қисмларининг мадади билан Жанубий Ливандаги Иблас-Саки ва Балат қишлоқларига ҳужум қилдилар. Бу ҳужумдан олдин шу қишлоқлар тўп ва миномётлардан узоқ вақт ўққа тутилди. Бунинг натижасида кўпгина уйлар вайрон бўлди, тинч аҳоли орасида ўлганлар ва яралар бўлганлар бор. Исроил ҳарбийлари жанглар бўлаётган районларга вертолётларда қўшин ва ўқ-дорилар ташиб турди.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, консерватив кучларнинг Исроил ҳарбийлари билан биргаликда қилаётган нервогарлик ҳаракатлари натижасида Ливаннинг жанубида вужудга келтирилаётган доимий кескинлик мамлакатда вазиятни нормаллаштиришга салбий таъсир ўтказмоқда ва реакция томонидан Ливанда тинчлик ҳамда хавфсизликни ўрнатишга қаратилган барча куч-ғайратларни барбод этиш учун фойдаланилмоқда.

ЖИДДИЙ ҚИЙИНЧИЛИК

БОНН, 30 июнь. (ТАСС). Ғарбий Германия экономикаси ҳали ҳам анчагина қийинчиликларни бошидан кечирмоқда: ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, пул қадрсизланмоқда, ишсизлик кўпаймоқда.

Хўжалик министрлигининг бу ерда эълон қилинган ҳисоботидан маълум бўлишича, шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг охирги кварталдагига нисбатан саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари қарийб 30 процент камайди. Мамлакатда саноат ишлаб чиқариши ҳам сусайиб кетди, дейилади ҳисоботда.

Расмий маълумотларга қараганда, ҒФРда май ойининг охирларида қарийб 950 минг тамомила ишсиз кишилар бор эди. Мана шунинг ўзидан мамлакатнинг иқтисодий аҳволи яхшиланган эмас деган хулосани чиқариш мумкин, дейилади ҳисоботда.

Кейинги ойларда Ғарбий Германия саноатида қисман ишсиз кишилар ҳам анча кўпайди. Май ойининг охирларида уларнинг сони 317 минг кишига етиб, апрель ойининг охирига нисбатан 70 минг кишига кўпайди.

ЖАСУР ҚИЗ ҚИССАСИ

ЯНГИЙЎЛЛИК пенсионер, собиқ ўқитувчи Амина Аҳмедова чексиз ҳаяжонини, маржон каби тизилиб, юзини қоплаётган кўз ёшини яширолмай лаънати уруш туфайли жароҳатланган юрагидаги дардидан бир шингил гапириб берди.

Билсак, Амина опанинг туғишган синглиси Сорахон жанг-жадалнинг долзарб кунларидан бирида қалб амри, ҳаёт-мамот жанглар давом этаётган ғарбга томон виждон даъвати ила ўқдек отилиб кетганлардан бири экан.

Сорахоннинг ажойиб қисмати, қисқа-ю, аммо ибрат олса арзигудек умри — юрсам ҳам, турсам ҳам мудом тинчлик бермади. У қиз ҳақида аниқлаб олган маълумотларимни бир бошдан қоғозга тушириб, сиз азизларга етказиш учун қўлга қалам олишга тургки берган нарса ҳам ўша, ибратли умрдир...

...МИРИШКОР деҳқон азиз ва лазиз тупроқ бағрига эзгу ният билан ёш кўчатлар қадайди-ю, шу лаҳзадан эътиборан унинг нигоҳи ана шу ниҳолларда бўлади. Боғбон уларни авайлаб-асраб парвариш қилади, ардоқлаб вояга етказади. Орадан фасллар, йиллар ўтади, ўша кўчатлар она Ер сиймосида кўкариб, хосилга киради, ноз-неъматлар билан элни баҳраманд қилади. Худди шу кезларда бояги боғбоннинг чеҳрасига зеҳн солиб кўринг-а, оламолам қувонч, ғурур, сурур аломатларини ўқийсиз бу чеҳрадан. Халқ маорифи аълочиси Амина опа Аҳмедованн пенсияга узатиш маросимида ҳозир бўлган киши ҳам муътабар мураббиянинг беқиёс севинчига шерик бўларди.

Амина опа сурункасига қирқ йил давомида ўқитувчи, илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган Янгийўлдаги Алишер Навоий номли 4-мактаб коллективи опани ғоят унутилмас шоду ҳуррамлик, иззату-эҳтиромлар билан ҳузурҳаловатли пенсияга узатди. Бу воқеага бағишлаб мактабда тантанали кеча ўтказилди. Миришкор боғбон шаънига илиқ сўзлар, қалбни тўлқинлантирувчи мисралар баҳш этилди.

Амина опа эсли туркистонлик, йигирма олтинчи йили ака-ука, опа-сингиллари билан биргаликда Ўзбекистонга кўчиб келишди. Шу ерда уни-бўсишди, узала-жували бўлишди. Қанчадан-қанча янги дўсту-биродарлар орттирдилар бу борада. Опанинг пенсияга чиққанидан хабар топган кавм-қариндошлари қандай бўлмасин бир жойга тўпланишиб, унинг бахтига шерик бўлишга аҳд қилдилар. Кунлардан бир кун уруғ-аймоқларнинг бариси Тошкентнинг Академик шаҳарча деб аталмиш чунон баҳаво, ҳушманзара қисмига жойлашган бир уйда тўй маросимига йиғилишди. Янгиобод-у, Янгийўл, Бўка-ю, Тошкент, Туркистону ва бошқа жойлардан етиб келган жигарбандлар авжи баҳор фаслининг саҳий дастурхони атрофида ажиб бир гулдаста мисоли тўпланишиб, самимий гурунг, оила базми қурдилар.

Уйин-кулги авжига минди. Бу ерда ҳозир бўлган катта-ю, кичикдан озми-кўпми жигарлик меҳрини аямай, опичлаб балоғатга етказган, бошга мушкул тушганда дардида малҳам, ҳамдам-ҳамдард бўлган, қолаверса севимли волидалардан тўсатдан жудо бўлиб «энди нима қиламиз!» дея чинқириб қолишганида ўз қаноти остига олиб, далда берган, севимли она ўрнини боса олган, қалби дарё, меҳригиё Амина опанинг шарафига мадҳиялар ўқилди, қадаҳлар бўшатилди. Бироқ... Бироқ нечундир опанинг кўзларида дафъатан нам айланди. Ҳамманинг нигоҳи опада, нега бу нуроний аёлнинг қалбини ғам чулғади, нега?

Амина опа бошқаларга сездирмасликка ҳаракат қилиб, катталатиб, чиройли рамкага солинган, деворда осиғлик суратга суқланиб боқади. Томоғига алланарса қадалгандай туюлади, кўз ёшлари шашқатор. Буни дарҳол пайқаган жигаргўшаларнинг ғала-ғовури бирданига тўхтайди. Ҳонага сукунат чўкади. Опа аста қўзғолиб, девордаги сурат томон юрмоқчи, шу пайт кимдир лип этиб ўрнидан турдида, расмни олиб, опанинг қўлига тутқазди.

— Оҳ, жонгинам, жигарим! — дейди опа йиғидан ўзини тиёлмай, — орамизда бўлганингда эди, Сорахон, балким бугун дилимни итлар тимдаламасди. Не илож, тақдир экан, мақсад-муродларинг рўёбга чиқмади. Ким бўлиб етишардинг? Мана, опаларинг, акаларинг, сен кўтариб катта қилган жиянларинг. Бири олим, бири мураббий, сен ҳам фозила бўлишни орзу қилардинг. Афсус, орамизда йўқсан, Сорахон...

Ким у, Сорахон деганлари? Нега бу даврада қаққаҳа уриб ўтириш унга насиб этмаган?

1925 йил. Туркистон шаҳри. Камбағал деҳқон Раҳмонов Абдишукур оиласида саккизинчи фарзанд бунёдга келади. Қизчани Сорахон деб аташади. Инсон тақдири сирасира кутилмаган, етти ухлаб тушга ҳам кирмаган тасодифлар, пасту баланд сўқмоқлар, чуқур саёз ирмоқларга чунон бойки, Сорахон Раҳмоновнинг қисқа, лекин сермазмун умри мисолида ҳам яққол бунга ишонч ҳосил қиласиз.

1933 йил. Сорахон турмушга чиққан опасига эргашиб, Самарқандга келади ва мактабда таълим ола бошлайди.

1935 йил. Сорахоннинг почаси, Алишер Навоий номли ўзбек давлат университетининг химия ўқитувчиси Сунна тилла Муқимов Москвага, аспирантурага отланади. Икки қизи — Элнора ва Дилором қаровсиз қолмасин, деб қайинсингли сини Сорахонни ҳам олиб кетади. Сорахон азм пойтахтда ўқишни давом эттириб, икки йил таълим олади.

1938 йил. Сорахон, туғилиб ўсган Туркистонга қайтиб боради, ўқишни бир дақиқа ҳам унутмайди.

1940 йил. Сорахон Раҳмонова Янгийўлда ўқитувчилик қилиб турган опаси Амина Аҳмедованикига келиб, ҳозирги Навоий номли мактабда ўқийди.

1942 йил, январь. Сорахон Раҳмонова республика фанлар академиясининг химия институтида препаратчи бўлиб ишлай бошлайди. Ҳозиржавоб, меҳнатсевар, одамшаванда қиз институт ёшларига ёқиб қолади. Эпчиллиги, бир сўзлиги, софдиллиги касбдошлари орасида унга ҳурмат-эҳтиром келтиради. Сорахонни яқдиллик билан институт комсомол секретари қилиб сайлашади. Баҳорга келиб бу қиз бир гуруҳ дугоналарига бош бўлиб, район комсомол комитети уюштирган марганлар курсига ўқишга киради. Олти ой деганда Сорахон нишонга ўқ отиш «сирларини мукаммал ўрганиб олади. Бу орада Сорахоннинг Қодир ва Азиз деган акалари фронтга жўнаб кетишади.

Азм пойтахт Москва бўсағасида жанг жадал авжида. Совет пахлавонлари ёвуз душманни мукаддас пойтахтга яқинлаштирмаслик учун қаҳрамонона курашмоқдалар. Ватан узра янграб турган хушхабар узоқ ўзбек элига ҳам янгидан-янги марду-майдонлар жасорати ҳақида маълумот келтириб туради. Ўзбекистондан фронтга кетган марган Зебо Ғаниевани нг жасорати минг-минглаб йигит қизлар қалбига жо бўлди. Зебодан ибрат олишга интилган ёшлар сони кун сайин, соат ёшин кўпайди. Раҳмонова ҳам исми жисмига монанд Зебо каби жангга кирмоқчи. Шу мақсадда у: «Менм фронтга юборишингизни ўтиниб сўрайман», деган мазмунда ариза билан район комсомол комитетига, ундан юқорироқ ташкилотларга қатнайверади.

Қизининг фронтга астойдил отланаётганидан хабар топган отаси Абдишукур ака билан онаси Майрам опа зудлик билан Янгийўлга етиб келишди.

— Қўй, болам, — деди ота Сорахоннинг пешонасидан силаркан, — қиз боланинг юмуши эмас бу.

Сорахон отасининг пинжига кирди. Эркаланди:

— Акаларимсиз бемисоли сувсиз балиқман, дадажон, — дедм. — Ҳавотир олаверманг, акаларимга тезда етиб оламан. Қўл ушлашиб, елкама-елка жанг қиламиз, душмандан қасос оламиз, қонгақон, жонга-жон! — Сорахон кўзларига нам айланган, енг учи билан кўз ёшини артиб ўтирган Майрам опага юзланади:

— Берган сутингизга, уйқусиз ўтган тунларингизга рози бўлинг, онажон!

Сорахон ёшларга хос ҳаёлпарастликка берилиб, бир нуқтага тикилганича дейди:

— Оҳ, онажоним, душман билан шердек олишаётган азамат йигит фалокатга йўлиқиб йиқилиб қолса, уни суяб қолсам, тақиллаб қақраб қолган лабларига бир томчи зилол сув томизсам улуғ иш қилган бўлармиканман?..

Ота-она ўзаро маъноли кўз уриштириб олишди.

1942 йил 1 ноябрь, Сорахон Раҳмоновнинг эзгу орзуси рўёбга чиқди. Қиз шонли Қизил Армия сафига кирди. Ашхободга кўчиб келган Харьков ҳарбий-тиббий билим юртига ўқишга жўнади. Шарафли, лекин ўзига хос машаққатлар билан тўлиб-тошган ҳарбий ҳаёт, талабчан ва меҳрибон командирларнинг оғзига тикилиб, улкан саркарда Александр Суворов айтиб кетган «машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади», деган ҳикматли сўзларнинг мағзини чақиб, маъносини англаш, кутиш... Ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар. Ҳарбий ҳамшира Сорахон Раҳмонова Улуғ Ватан уруши фронти томон йўлга равона бўлади.

Сорахон: «Фалончи куни Тошкентда бўламиз», деган мазмунда телеграмма йўллабди Амина опасига. Кўпчилик бўлиб вокзалга етиб келишди. Йироқ-яқин қариндошлар, собиқ ўқитувчилар, тенгқур дугоналар. Жамоат жам. Шовқин-сурон, гала-говурлар қулоққа кирмайди.

Қизил вагоннинг пиллапоясида узоқдан қўл силтаб келаётган Сорахон поезд ҳали тўла тўхтаб улгурмасданоқ перронга эпчиллик билан сакраб тушди.

(Давоми бор).



ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ. **Миллий-демократик партия ва бошқа неонацистларнинг бузғунчи ташкилотлари Франкфурт-Майн шаҳрида йиғилиш ўтказдилар. Улар полиция ҳим ояси остида шу йиғилишга қаршн уюштирилган норозилик митинги қатнашчилар ига ҳужум қилдилар.** ЮПИ-ТАСС телефотоси.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

«БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Эшон Шамсиев собиқ ўқитувчи. У илгари қозоқ тили ва адабиётидан дарс берар эди. Мана, қарийб йигирма беш йилдан бери қир ерларга жойлашган Чиноз районидаги Энгельс номли колхозга раислик қилмоқда. Яқинда мухбиримиз Б. Халилов Шамсиев билан янги Конституция лойиҳаси, колхознинг ҳозирги ишлари ҳақида суҳбатлашди.

Биз Советлар диёрида яшаб, озод меҳнат қилаётганимиздан чексиз миннатдормиз. Совет гражданларининг ҳуқуқлари янги Конституция лойиҳасида яна ҳам тўлалиги билан тасвирлаб берилган. Мен Конституциянинг ўз ҳуқуқларимиз ифодалаб берилган 36-моддасини қайта-қайта ўқигим келади. Унда шундай сўзлар жарангланиб турибди: «Турли миллат ва ирқларга мансуб Совет гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама камол топтириш ва яқинлаштириш сиёсати билан, гражданларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш билан, она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланади.

Ҳуқуқларни ҳар қандай бўлмасин тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чеклаш ирқий ва миллий белгиларга қараб гражданларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар бериш, шунингдек ирқий ёки миллий мумтозликни, адоватни ва камситишни ҳар қандай тарғиб қилиш қонунга мувофиқ жазоланади».

Совет гражданлари, улар Иттифоқимизнинг қайси ерида яшамасинлар шу ҳуқуқлардан баробар фойдаланаверадилар. Шунинг учун халқимиз яқдиллик билан, улуғ Ватанимизнинг юксалишини, куч-қудратини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар Улуғ Ленин партияси раҳбарлигида мўжизалар яратмоқдалар, чўл-биёбонлар, сув чиқмайдиган саҳроларни экинзорларга, саноат марказларига айлантирмоқдалар Совет Конституцияси социалистик жамиятимизнинг қомуси, прогрессив инсониятнинг асрлар бўйи қилган орзу-умидларининг ифодаси.

Биз совет гражданлари қоғозда эмас, амалда ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланиб келаяпмиз. Бу ҳуқуқларимизни ҳеч ким тортиб ололмайди. Уни янада такомиллаштириб берган янги Конституцияни биз ҳар тарафлама маъқуллаймиз. Чунки чинакам инсоний ҳуқуқларга эга бўлган одамларимизнинг қувончлари чексиз. Колхозимизда кейинги йилларда катта ўзгаришлар юз берянти. Қадимги қир-адирлар ҳосилдор пахта далаларига, сув чиқмас тепаликлар кўркам, обод, замонавий қишлоққа айланиб бормоқда. Янги қишлоғимизда қатор-қатор турар-жой бинолари, ўрта мактаб, болалар богчаси, колхоз идораси, устахона, клуб ва бошқа бинолар қад кўтариб турибди. Водопровод суви билан таъминланган. Колхозчиларимиз ҳаётларидан мамнун ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллиги шарафига гектаридан 36 центнердан ҳосил олиб, 2660 тонналик «оқ олтин» хирмони кўтаришга бел боғлаганлар. Илғор бригада аъзоларининг ниятлари бундан ҳам баланд. Анвар Анорқулов. Абдували Машрапов, Мавлон Аширалиев бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 40—43 центнердан ҳосил олган бўлсалар, юбилей йилида 50 центнердан хирмон кўтариш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Колхоз бўйича ҳар гектар ерда ўртача 125 минг туп кўчат сақлаб қолинди.

Пахта майдонларида 15 та трактор ишлаб турибди. Ҳар бир тракторга 35 та иш органи осилиб ғўза қатор оралари сифатли культивация қилинаяпти. Ҳозирги кунларда азамат механизаторларимиз ғўза қатор оралариии 6- марта культивация қилмоқдалар.

Бу йилги шароитда чорва учун кўпроқ ем-хашак жамғариш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бу ишга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Ҳозиргача колхозимизда 500 ўрнига 800 тонна сенаж бостирилди. Икки ўримда ҳар гектар ердан 90 центнердан беда хашаги ўриб олинди. Чорвадорларимиз бедани беш марта хашак учун, олтинчи марта кўк ўтга ўриш учун курашмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси — озод ижодий меҳнат самараси. Қай ерда инсон ўз қадр-қимматини топса, ўзини барча билан баравар тенг ҳуқуқли деб ҳис қилса, ўша ерда меҳнат авж олади, ғалабага эришилади. Менимча Улуғ социалистик Ватанимиз эришаётган беқиёс зафарнинг боиси ҳам шу. Шунинг учун ҳам барча совет гражданлари янги Конституция лойиҳасини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб қувона-қувона меҳнат қилмоқдалар.



Нурия Насибуллина «Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор чеварларидан. У бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқ да. Н. Насибуллинанинг айни кунлардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари зиммага олинган юксак мажбуриятнинг шараф билан адо этилишидан дарак бериб турибди.

М. Нуриддинов фотоси.

Калинин номли колхоз ғаллакорлари ҳосилдорликда Юқори Чирчиқ райони пешқадамларидан ҳисобланишади. Бу йил улар От чопган массивдаги қирларда фидокорона меҳнат қилиб, ҳар қачонгидан ҳам мўл-ҳосил етиштиришга эришдилар. Айни кунларда ғаллазорларда ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Хўжаликнинг илғор комбайнчилари Бадал Бозоров ва Зикир Жўрабоевлар алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири хўжалик хирмонига 550 тоннадан дон тўкиш мажбуриятини олишган.

А. АХАТОВ фотоси.

ЯНГИ «ЗАНГОРИ КЕМАЛАР»

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг бош конвейеридан дастлабки пахта териш машиналари тушганига салкам 30 йил бўлди. Бу давр ичида корхона йил сайин юксалди, ишлаб чиқарилаётган машиналар сони ортди, сифати кескин яхшиланди. Шунинг учун ҳам хозирги даврга келиб қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни «зангори кема»ларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Терим машиналари республикамизда етиштирилаётган миллион тонналаб «оқ олтин»ни хирмонларга уйиб бермоқда.

Корхона инженер-техник ходимлари, конструкторлар ва новаторлар ишчилар мавжуд агрегатларни янада такомиллаштириш, ҳозиргиларига нисбатан серунум ва сифатли машиналар яратиш устида тинмай изланишмоқда. Жумладан, «ХВН—1, 2А» маркали «зангори кема»ларнинг тажриба нусҳалари ишлаб чиқарилганига икки йил бўлди. Ингичка толали пахта терадиган бу машиналар Тожикистон, Туркманистон пахтазорларида, Сурхондарё, Қашқадарё областларида ҳар томонлама синовдан ўтказилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди.

Корхона коллективи янги «зангори кема»ларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришди. Шу ой охиригача ингичка толали пахта терадиган бундай машиналардан 135 таси колхоз ва совхозларга жўнатилади.

ЯҚДИЛЛИК ИФОДАСИ

Областимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Кейинги йилларда янгидан-янги саноат корхоналари, маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Ҳозирда областимиз саноат ишлаб чиқаришида юздан ортиқ соҳа бўлиб. тезкорлик билан ривожланиб боряпти. 1940 йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўттиз бараварга ошди. Областимиз жаҳондаги саксондан ортиқ мамлакатга ўз маҳсулотларини юбормоқда. Ўттиз-ўттиз беш йил олдин таркиб топган янги шаҳарлар бугун катта саноат марказига айланган.

Қишлоқларимиз қиёфаси ҳам гўзаллашиб боряпти. Оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи ишлар механизация елкасига юкланмоқда. Шунга мувофиқ меҳнат шароити ҳам яхшиланяпти. Деҳқонларнинг турмуш маданияти ошмоқда. Ҳозир кўпгина қишлоқларимиздаги шароитни шаҳарга таққосласа арзийди.

Маданият, фан, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш бўйича жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Ана шу муваффақиятнинг ҳаммаси янги СССР Конституцияси лойиҳасида ўз аксини топган.

Корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, турли муассасаларда КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми қарорларини муҳокама этишга бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, барча совет кишилари каби областимиз меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрликларидан беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Меҳнат коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, оширилган социалистик мажбуриятлар олишмоқда.

Янги СССР Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилиш Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйига тайёргарлик кўрилаётган даврга тўғри келиши меҳнаткашларни янгидан-янги зафарларга ундамоқда. Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш олдида турибди. Худди шу корхонанинг ветеран ишчиларидан А. С. Верзилина «Шогирд мураббийга тенглашсин», ташаббуси билан чиққан эди. Бу ҳаракат ҳам корхонада кенг қулоч ёйди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бу ташаббусни оммалаштириш комбинатдаги ёш ишчиларнинг ишлаб чиқариш нормасини ўрта ҳисобда уч-тўрт процентга ошириб бажаришини таъминламоқда.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг М. Раҳимов бошлиқ бригадаси коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача икки йиллик топшириқни бажаришга азму-қарор қилди.

Областимиздаги 36 та пахтачилик бригаласи ҳар гектар ердан 50—60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга сўз берган. Бир қатор илғорлар йил бошида ҳар гектар ердан 100—120 центнердан «қаҳрабо дони». 75—80 центнердан шолиҳосил олиш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳозир кўплаб бригада коллективлари ана шу ташаббускорлар изидан боришяпти.

Минглаб ишчи-хизматчилар меҳнат, маиший хизмат, дам олиш вақтларини ташкил этиш бўйича тузилган комиссияларда иштирок этишяпти. Ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг меҳнат кашлар оммаси иштирок этмоқда.

Юқоридаги факт ва рақамлар область касаба союзлари Советининг пленумида қайд этилди. Пленум қатнашчилари область касаба союзлари советининг раиси ўртоқ А. В. Браиловнинг янги СССР Конституцияси ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленумида қилган докладидан келиб чиқадиган хулосалар ва область касаба союз ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги докладини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Докладчи ва муҳокамага чиққан пластмасса заводи касаба союз комитетининг раиси Х. Одилов, машинасозлик ва приборсозлик ишчилари область касаба союз комитетининг раиси В. С. Кудель, Ангрен керамика комбинатининг ишчиси В. А. Савенко ва бошқалар КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади ва янги СССР Конституцияси лойиҳаси коллективларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ниҳоятда ошириб юборганлигини гапирдилар. Бутун меҳнаткашлар оммаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раислигига сайланганлигини қизғин маъқуллаётганликлари таъкидланди.

Облсовпроф пленумида касаба союз ташкилотларининг кенг меҳнаткашлар оммасининг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирокини янада яхшироқ таъминлаш лозимлиги ўқдирилди. Шунингдек социалистик мусобақани янада оммалаштириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш, план ва топшириқларни муттасил ошириб бажаришга алоҳида эътибор бериш кўрсатиб ўтилди.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

В. И. Козлов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни область касаба союзлари совети секретари вазифасидан озод қилди.

М. И. Сафаров область касаба союзлари советининг секретари қилиб сайланди.

КИТОБСЕВАРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ОҚҚЎРҒОН район партия комитети область китобсеварлар жамияти билан ҳамкорликда «Оққўрғон» совхози участка шифохонасида китобсеварлар конференциясини ўтказди. Бу илмий анжуманда район партия комитети секретари С. Нўлдошева «Инсон саломатги ҳақида партия ғамхўрлиги», область китобсеварлар жамияти раисининг ўринбосари К. Қамбарова «Медицина билимларини пропаганда қилишда китобнинг роли», Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор, медицина фанлари кандидати З. Омонов, врач-методист Қ. Содиқовлар «Ёз фаслида ўткир ошқозон-ичак касаллигидан сақланинг», деган мавзуларда гапирдилар.

Китобсеварлар конференциясига ишчилар, хизматчилар, медицина ходимлари таклиф этилди. Район бадиий ҳаваскорлик коллективлари эса концерт қўйиб беришди.

П. ЭРГАШЕВ.

ҲАМ ЁДГОРЛИК, ҲАМ БИЛИМ МАСКАНИ

Занги ота — тарихий меморчилигимизнинг ажойиб XIV—XV асрларда қурилган намуналаридан биридир.

Қўли гул халқ усталари томонидан жимжимадор ўймакорлик лавҳалари билан ранго ранг сайқалланган бу муаззам кошона кейинги йилларда янгича чирой очди. Ёдгорликнинг айрим бузилган жойларини тиклаш, унинг атрофини ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Давлатимиз бунинг учун кўп маблағ ажратди. Ҳозирги вақтда Занги отани реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етай, деб қолди.

Эндиликда ёдгорликни зиёрат қилгани келган кишилар ўтмиш истеъдодли авлодларимизнинг ноёб меҳнати, нафис санъати ҳамда забардаст қўли билан яратилган ва ҳозирда янгидан сайқал берилган меъморчилик комплексини томоша қилиб, уни бунёд этган ота-боболаримиз, қайта чирой берган тадбиркор замондошларимизнинг ишларига яна бир карра таҳсанно ўқийдилар.

Ёдгорлик атрофи ҳам ажиб манзарага эга. Бу ерда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқ жангчиларнинг хотирасига ўрнатилган муҳташам ёдгорлик бор. Ҳаёт-мамот жангларида жон олиб, жон берган ўзбек қаҳрамонларидан бири Убайдулла Мусаев қабри устига ҳам ёдгорлик ўрнатилди. Бу ёдгорликни ўрнатишда Ўзбекистон кўрлар жамиятининг правлениеси, унинг раиси Қудрат Пиримқулов ташаббускор бўлишди. Ёдгорликнинг очилиши катта тантанага айланди. Икки мингдан зиёд киши шу куни митинг да қатнашиб, қаҳрамон номи ва жанговар ишларини ёд га олишди, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Бу ерда ҳозир Калинин районининг мактаб ўқувчилари писнерликка қабул қилинади, янги келин-куёвлар ҳам уни зиёрат қилиб ўтишади.

Тарихий ёдгорлик биносида республика илмий атеизм уйининг область филиали жойлашган бўлиб, бу ерда эндиликда янги-янги экспозицияларни қўриш мумкин. Тошкент рассомчилик комбинатининг коллективи иштирокида «Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг Ўрта Осиёга тарқалиши» мавзуида қатор янги экспозициялар «Зиндон» диорамаси тайёрландики, уларни кўпчилик қизиқиш билан томоша қилмоқда.

Яқинда илмий атеизм уйининг Занги отадаги область филиалида уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши тузилди. Республикада хизмат кўрсатган шахтакор Юсуф Файзиев, ёзувчи Вали Ғафуров, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларидан Мелибой Муҳамедов, Мирарслон Мирҳожиев, Қосим Маҳмудов, Ғози Тўраев, Маҳкам Муҳамедов, Зокир Муҳиддинов, Мирусмон Мирҳожиев, Абуғаффор Йўлдошев, Ҳафиз Охунов, Усмон Орифов каби мўътабар отахонлар аъзо бўлган мазкур кенгаш илмий атеизм уйи фаолиятида фаол қатнашмоқдалар. Улар иштирокида ўтказилаётган илмий-атеистик кечалар, семинарлар, савол-жавоб кечалари ва бошқа хил тадбирлар одатда қизиқарли ва мароқли ўтади. Отахонлар яқин атрофдаги қишлоқларда тўй маросимларини ўтказиш ишларида ҳам иштирок этиб, янги совет анъаналарини ҳаётга жорий этишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Яқин келажакда филиал янада кенгайтирилиб, илмий-атеистик билимларнинг ҳақиқий масканига айланади.

Б. ТОЖИБОЕВ,
илмий атеизм уйининг область филиали раҳбари.

М. МУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз мухбири.

ШАРАФЛИ БУРЧ

БУГУН ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

Бугун мамлакатимизнинг 64 миллион кишилик кооператорлари халқаро кооперация кунининг 55 йиллигини нишонлайдилар. Бу байрам КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ва СССР янги Конституциясининг лойиҳаси муносабати билан жўш урган юксак меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ўтаётганлиги туфайли ҳам диққатга сазовордир. Мамлакатимизда матлубот кооперацияси 100 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Совет ҳокимияти йилларида эса бу соҳа янада мустаҳкамланди ва кенгайди.

Сўнгги ўн йил ичида Тошкент область матлубот кооперациясининг фаолият миқёси икки баравар ортди. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида товар оборотн 49 процент, умумий овқатланиш эса 40,5 процент ўсди. Қишлоқ меҳнаткашлари маданий ва уй-рўзғор буюмларини кўплаб сотиб ола бошладилар. Биргина 1976 йилнинг ўзида қишлоқ аҳолисига 10,5 миллион сўмлик мебель сотилди. Енгил автомашиналар сотиш эса 1975 йилдагига нисбатан 16 процент ўсди. Холодильник, чанг сўргич, телевизор, магнитофон, радиоприёмник, гилам буюмлари, чинни сотиш йил сайин кўлайиб бормоқда. Китоб савдоси ҳам тобора ривожланаётир. Ҳозирги пайтда қишлоқ меҳнаткашлари кооператив магазинлардан ўзлари истаган буюмларни бемалол топа оладилар.

Матлубот кооперациясида нон ва нон маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш саноат асосига кўчирилди.

Саккизинчи, тўққизинчи беш йилликлар ва ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида матлубот кооперациясининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Қурилишда асосий ўринни йирик савдо комплекслари, универсал магазинлар, умумий овқатланиш комбинатлари, мева-сабзавот сақлайдиган омборлар ва бошқа корхоналар эгаллади.

Кооператорларнинг байрами арафасида Оржоникидзе районининг «Правда» колхози территориясида «Ҳозирги замон уй хўжалиги» деб аталган савдо комплекси фойдаланишга топширилмоқда. Унинг майдони 640, квадрат метрдан иборат. Янгийўл районининг марказида қад кўтарган икки қаватли «Гулбаҳор» универсал магазини ҳам байрамга тортиқдир.

Кооператорлар чакардош республикалар олдидаги ўзларининг интернационал бурчларини бажарганлари ҳолда Ўзбекистон ноз-неъматларини Москва, Ленинградга, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларига етказиб беришга муваффақ бўлдилар.

Область кооперацияси 1976 йилда колхозчилар, совхозлар ишчилари томорқаларида етиштирилган ва ортиқча деб ҳисобланган маҳсулотларни харид қилиш ва уларни ўз вақтида шаҳар аҳолисига етказиб беришда активлик кўрсатдилар. Ўтган йилнинг ўзида 6 минг тонна гўшт, кўплаб, асал, тухум, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари сотилди. Бу йил аҳолидан сотиб олинадиган маҳсулотлар миқдори янада кўпаяди.

Матлубот кооперациясини ривожлантиришда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар областда матлубот кооперацияси ташкил этилган дастлабки йилларда умумий ишлаётганларнинг 1 проценти миқдоридагина мутахассислар бўлган бўлса, ҳозирги пайтда бундайлар сони 18,5 минг кишини ташкил этади. Улардан 17 проценти олий ва ўрта-махсус билимга, 3,5 минг киши эса ҳунар-техника билимига эга бўлган ходимлардир.

Ҳар йили мактаб-мага-зинларда ва ўқувнинг бошқа формаларида минглаб оммавий касб эгалари тайёрланмоқда. Айниқса, аёллар ва ёшларни бу тармоққа жалб этишга алоҳида эътибор берилаётир.

Областимизда ўзининг ҳалол меҳнатлари билан танилган кооператорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улардан бири Оржоникидзе район матлубот союзи правлениесининг раиси. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими Х. Раҳматуллаевадир. Юқори Чирчиқ район матлубот союзи правлениесининг раиси К. Комилова, Чиноз район матлубот союзи правлениесининг раиси С. Қосимовалар ҳам бу соҳада кўп йиллардан буён сидқидилдик билан ишлаб келмоқдалар.

Тўққизинчи беш йиллик якунларига кўра кооператорлардан 30 нафари СССР орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Қишлоқ савдо ходимларининг бу йилги ютуқлари ҳам қувонарлидир. Оҳангарон райони (раиси Р. Икромов), Оржоникидзе (правление раиси Ҳ. Раҳматуллаев), Бўка райони (правление раиси И. Соипов) кооператорлари айниқса сезиларли муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Сўнгги йиллар ичида областимиз кооператорларининг социалистик мамлакатлар ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкаси мамлакатлари кооператорлари билан алоқаси янада яхшиланди. Шу йилнинг май ойида областимизда Осиё, Африка, Латин Америкасининг 38 мамлакати ва Японияннинг кооператорлари меҳмон бўлдилар.

Ҳозирги кунларда область кооператорлари зиммаларидаги социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этиш ва қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш иштиёқида астойдил ишламоқдалар.

З. ХЎЖАЕВ,
область матлубот союзи правлениесининг раиси.

Шаҳда соҳиблари

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САРОЙИ

БУ БИНОНИ маданий-маиший хизмат кўрсатиш саройи дейишлари бежиз эмас. Чунки бу ерда маиший хизматнинг ингирмадан ортиқ тури бўйича аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Биринчи қаватда «Химчистка» қабул пункти, «Заҳгори экран» ателеси бўлиб, иккинчи ва учинчи қаватлардан эса эркаклар устки кийими, аёллар кўйлаклари бичиш ва тикиш цехлари жой олган.

— Яқинда биз хотин-қизлар шляпалари тикишни йўлга қўйдик, — дейди бичиқчи Тамара Браилова, — бу эса маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйимизнинг ўзига хос янгилигидир. Сер қуёш Ўзбекистонимизнинг иссиқ кунларига мўлжалланган бу қулай шляпалар аёлларимизнинг дидларига мос келмоқда.

Бу ердаги яна бир қулайлик — буюртмачиларнинг размерлари бўйича чизилган андозалардир. Бу андозалардан буюртмачи истаган вақтида фойдаланиши мумкин.

Ҳозирги кунда маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйида 300 дан ортиқ ишчи-хизматчи фаолият кўрсатяпти. Бичиқчилардан Р. Телесник, Т. Евмакова, тикувчилардан Ю. Мирзоянова, М. Ғаниева каби ишлаб чиқариш илғорлари талабчан буюртмачиларнинг ҳурматини қозонишмоқда.

— Маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйининг кейинги навбати ҳам ишга тушиш арафасида, — дейди директор Файзулла Исроилов. — Янги бинодан тез муддатли «химчистка», пойафзал ремонти цехи, шунингдек учта катта банкет зали жой олади.

Москвалик архитекторлар лойиҳаси асосида Ленин районида қад кўтарган бу бинони «Главташкентстрой»нинг 38-қурилиш бошқармаси ниҳоясига етказмоқда.

●

ҚЎШ БАЙРАМ ШАРАФИГА

ПОИТАХТДАГИ «Ёшлик» мактаб-магазини бир неча йиллардан бери харидорларнинг ҳурматини қозониб келмоқда. Мактаб-магазинда ҳар йили 300 дан ортиқ ёш йигит-қиз сотувчилик касбига эга бўлиб, шаҳримиз савдо тармоқларида ишлаш учун йўлланма олмоқда.

Ёш сотувчилар ўртасидаги социалистик мусобақада М. Мирзаахмедова, Р. Одилсантова, Т. Шумилова, К. Ҳамидов каби илғорлар намуна бўлишмоқда.

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилни биз ҳам муносиб қаршилаймиз, — деди мактаб-магазин директори Н. Мусаев. — Ўз имкониятларимизни кўриб чиқиб, 7 ноябргача йиллик планни бажаришга ва пландан ташқари қўшимча 20 минг сўмлик маҳсулот сотишга қарор қилдик. Бу мактаб-магазинимизнинг ўн йиллигига совғамиз ҳам бўлади.

А. КЕЛДИЕВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТОРФ ДЕНГИЗИНИ ТОЗАЛАЙДИ

● ТОРФ — денгиз юзига тўкилган нефтга қарши курашда самарали воситадир. Эстониялик мутахассислар сув юзидаги нефтни йўқотиш юзасидан Балтика денгизида ўтказилган намунавий машқларда шуни исбот қилдилар.

Сувни қочирилган торф ушоғи махсус қурилма ёрдами билан катта сув майдонига сочилади ва ўз оғирлигидан уч баравар кўп нефтни шимиб олади, шунга қарамай чўкиб кетмайди. Нефтга тўйинган торфни йиғиштириб олиб, ёқиб юбориш қийин иш эмас.

«Тоотси» торф корхонаси денгизни нефтдан тозалаш учун торф ушоқларини тайёрлай бошлади.

А. КААЗИК.
ТАСС мухбири.

ТАЛЛИН.

ЦЕМЕНТДАН МАҲКАМ

● КИЕВЛИК химиклар ишлаб чиққан махсус модда нефть қудуқлари девори маҳкамлигини анча оширади. Чуқур парма-лашда мутахассислар кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар. Ер пўстлоғининг қаърига тушиб борган сайин температура, босим ошиб боради, қовушоқ жинсли қатламлар ҳам учрайди. Қудуқ деворини маҳкамлашда ишлатилувчи одатдаги цемент аралашма бундай шароитларда қўл келавермайди.

Алоҳида мураккаб геология шароитларда қудуқ қазишда арзон ва иссиқлик билан шўрга бардош берувчи мана шу аралашма ишлатилади. Юксак босим ва температура бундай модлаларни янада метин қилиб юборади. Ставрополь ўлкасида ва Мангишлоқ ярим оролида ўтказилган синовлар янги материаллар сув сингдирмаслигини ва емирувчи муҳитларга ҳам бардош бера олишини кўрсатди. Уларни қўллаш каттагина иқтисодий самара беради. Ҳозир янгилик Тюмень областида жорий қилинмоқда.

А. БАУЭР,
ТАСС мухбири.

КИЕВ.

КАСПИЙ БЎЙИ ЧЎКМАСИДАГИ ХАЗИНАЛАР

● ҚОЗОҒИСТОНлик геологлар баландлиги Кавказ тоғларича келадиган улкан туз гумбазини топдилар. Бу гумбаз Каспий денгизи шимолий-шарқий соҳили яқинида 5600 метр чуқурликкача боради. Бу ерда нефть, табиий газ, бошқа фойдали қазилмалар ҳам изланмоқда. Бу зонада чуқурлиги 5-6 километрга борадиган бир неча қудуқ пармаланди.

В. ГАНЖА.
ТАСС мухбири.

ОЛМАОТА.

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ ФОТОКАМЕРА

Сурат олишга ҳатто энди кўл урган киши ҳам камбар плёнкали «Силуэт — электро» камерасининг ёрдами билан жуда яхши суратлар чиқариши мумкин. С. И. Вавилов номли Минск механика заводи шундай янгиликни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Аппаратга қўйилган электрон блок видержкани автомат тарзда аниқлаб, экспозиция чоғида хатоликка йўл қўймайди. Янгиликнинг затвори бузилмай ишлайди, янги плёнка қўйиш соддалаштирилган.

«Силуэт—электро» камерасининг дастлабки туркуми Минскдан Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга юборилди.

МИНСК.
(ТАСС мухбири).

ДУШАНБЕНИНГ ИМОРАТЛАРИ БАЛАНДЛАШЯПТИ

ДУШАНБЕДА қурила бошлаган микрорайон республиканинг шаҳарлари орасида энг каттаси бўлади. Бу ерда қад кўтарадиган кўп қаватли уйларнинг лойиҳаларини сейсмологларнинг тавсияларини назарда тутиб ишлаб чиқилган.

Янги микрорайонда маданий-маиший аҳамиятдаги муассасалар комплексини қуриш «ўзда тутилган. Мактаблар ва болалар боғчалари кўкаламзор зонада жойлашади.

ДУШАНБЕ.
(ТАСС мухбири).

СЕНИ ЭСЛАТАР

Баъзан ихтиёрсиз ўша чаманга
Йўлим тушиб қолса, кўзларим хумор,
Кўнглимга ўт тушар, туташар танга,
Ширин дамлар ёдга тушади такрор.
Ошиқлар гул тутиб ўтса ёнимдан,
Қалбим гул баргидай қолади титраб,
Мафтункор боқаман уларга зимдан,
Омад ҳам тилайман ортидан қараб.
Ўзгалар бахтидан бўламан мамнун,
Омадсиз бахтим ҳам чиқар ёдимдан,
Илк севгим, қувончим имлайди беун,
Севган-севишганлар ўтса ёнимдан.
Ҳиёбон гулзорин қор босган, аммо
Қишда ҳам туюлар менга муаттар,
Ҳаёлларим сен томон учар доимо,
Бунда ҳамма нарса сени эслатар.

Назира ШОВВОЗОВА.

ҲАЙКАЛЛАР

Она замин узра мағрур ёнма-ён,
Икки мардлик ҳайкали қад кўтарган.
Знёратга келган ҳар қандай инсон
Чуқур таъзим этар, бундан ўтаркан!
Чуқур таъзим этар бахтли ҳаётнинг
Дебочасин бошлаб берган эрларга.
Евга қалқон бўлай деб коинотнинг
Бағри каби кўксин керган эрларга!
Чуқур таъзим этар, чунки ҳайкаллар
Жангда оққан дарё қонлар тимсоли!
Ватан учун ҳаётини тиккanлар,
Ҳалок бўлган қаҳрамонлар тимсоли!
Сукунатда қалбим билан тингладим
Ҳайкалларнинг сабоқ ва илтижосин:
— Эй, ёш авлод, сен-чун тарих кўп қадим.
Чунки ўсдинг эшитмай тўп садосин.
Она ернинг бағрида биз саноқсиз,
Оналарнинг ноласидан нишона!
Келажакка, авлодларга сабоқмиз,
Истаймизки уруш бўлсин афсона!
Истаймизки тинчликнинг тонги отсин!
Энди Бахтга ҳайкал қўймоқлик галв.
Ер юзида қатор-қатор саф тортсин
Меҳнатдаги қаҳрамонлар ҳайкали!

Ўткир МУҲАММАД.



ГУЛ-ҒУНЧАЛАР

Кўзлар боқиб тўймайди сира,
Мунча ширин, сулувсиз мунча!
Гўзалликни қучар гўзаллик,
Гўё ўпар гунчани-гунча.

А. Абалян фотоэтюди.

ИККИ ШЕЪР

ЭЛ ФАРЗАНДИМАН

Мен ҳамиша юраман магрур,
Эгилмайди бошим бир умр.
Чунки бунга ҳалол меҳнатим
Мандат берган, бахт чеккан муҳр.
Мен ҳамиша юраман магрур,
Эгилмайди бошим бир умр.
Чунки бошда қуёш — Партиям
Саховат-ла сочиб турар нур.
Мен ҳамиша юраман магрур,
Эгилмайди бошим бир умр.
Чунки шодлик, ғамимга шерик
Содиқ дўстлар қанотимдадир.
Мен ҳамиша юраман магрур,
Эгилмайди бошим бир умр.
Бахти баланд эл фарзандиман
Шу бахтимдан, масрурман, масрур.

МАРДОНАЛИК

Жаҳоннинг зийнати мардоналикдан,
Жаҳоннинг қиймати мардоналикдан.
Тарихлар қаърини порлатувчи нур,
Асрлар шуҳрати мардоналикдан.
Жаҳонлар қалбини пайванд этар куч,
Буюклик хикмати мардоналикдан.
Ҳақиқат нахлига кўкламги ёмғир;
Ғизоси, қудрати мардоналикдан.
Бу шева шарпаси минг-минг та достон.
Ғазал, шеър шавкати мардоналикдан.
Бировлар илкидан кутмас Омон бахт:
Баланд бахт, давлати мардоналикдан.

Омон РАЖАБОВ.

ИХТИЁР СИЗДА, ДОМЛА!..

(ИНТЕРМЕДИЯ)

Қатнашувчилар: Профессор ва Суннатилло.

СУННАТИЛЛО — Мумкинми, домла?

ПРОФЕССОР — Келинг, келинг, марҳамат.

СУННАТИЛЛО (Пилдираб бориб сўрашади) — Ассалому алайкум, домлажон. (Домланинг кўлини олиб узоқ сўрашади). Саломатмилар, тинчмилар, чарчамасдан юрибдиларми? Уйлар, келинойимлар, жиянчалар — ҳаммалари яхшими?

ПРОФЕССОР — Раҳмат, раҳмат, қани ўтиринг.

СУННАТИЛЛО — Йўқе, домла, биз тикка турсак ҳам бўлаверади.

ПРОФЕССОР — Ўтиринг, ўтиринг. (Унга тикилиб қарайди). Ҳўш, айбга буюрмайсиз, сизни таниёлмай турибман?

СУННАТИЛЛО — Албатта, албатта, домла, бизни ҳали ҳеч ким танимайди, сизни бўлса ҳамма танийди...

ПРОФЕССОР — Бу гапни қўйайлик... Ҳўш, исмингиз?

СУННАТИЛЛО — Қудратилло аканинг жиянлари бўламиз, исмимиз Суннатилло, домла!

ПРОФЕССОР — Қудратилло, Қудратилло... Қаерда хизмат қиладилар?

СУННАТИЛЛО — Амакимлар ҳалиям ўша ердалар, домла.

ПРОФЕССОР — Қаердайди, шуни айтақолсангизчи...

СУННАТИЛЛО — Базадалар. Хў, борган экансизку, гиламча излаб...

ПРОФЕССОР — Э, бўлди, бўлда, эсимга тушди. Битта доҳламизнинг юбилейларига совға учун зарур бўлиб қолганда ўша ерга борувдик... Хўш, амакингиз саломатмилар?

СУННАТИЛЛО — Шукр, шукр, домла сизга кўпдан-кўп салом деб юбордилар. Шу кишига учрашсанг ҳожатингни чиқарадилар, дедилар.

ПРОФЕССОР — Марҳамат, марҳамат, қандай ҳожатингиз бор эди? (Кулади). Бизнинг идора база-маза эмаски, бу ерда бирор камёб нарса топиб берсам. Оддий илмий-текшириш институти бўлса, шахсан мен бўлсам, манови қоғоз-қаламлардан бошқа ҳеч нарса топиб беролмасам керак.

СУННАТИЛЛО — Ўлманг, домла, бизам ўша қоғоз-қаламингизга ҳожатимиз тушиб келдик.

ПРОФЕССОР — Шунақами? Марҳамат, олақолинг, қанча керак?

СУННАТИЛЛО — Қоғоз-қаламни топиб оларсиз, домла, мен сиздан, ҳалиги... битта тема олай деб келувдим...

ПРОФЕССОР — Тема? Қанақа тема?

СУННАТИЛЛО — Энди, темадақа темада, домла, илмий ишнинг темаси... Бизга сал осонроғидан берсангиз, нега десангиз, институтни тамомлаганимизга ям, мана беш-олти йил бўлиб қолди, сал формадан чиқиб кетганмиз...

ПРОФЕССОР — Тўхтанг, тўхтанг... Нима илмий иш қилмоқчимисиз?

СУННАТИЛЛО — Энди, домла, бундай қарасам, ҳамма ўртоқларим ўзини илмга ўриб кетишяпти, алақаёқдаги тирмизаклар ҳам тема олиб, кандидат, академик бўлиб кетишяпти. Бизам бир ҳавас қилдик-да, домла, хизматимизни аямаймиз.

ПРОФЕССОР — Шошманг. Институтни тамомлагандан кейин қаерда ишладингиз?

СУННАТИЛЛО — Энди, домла, сиздан яширадиган гап йўқ, ота-бола бўлиб қолармиз, ростини айтсам, институтдан Қашқадарёга направление беришувди, уйдагилар юборишмади. Шунга амакимнинг ёнларига кириб, базада ишлаб турувдик...

ПРОФЕССОР — Энди ёқмай қолдими?

СУННАТИЛЛО — Ҳа, энди, биззи диплом у ерга тўғри келмас экан, текшириб қолишувди...

ПРОФЕССОР — Энди бир илм майдонида жавлон урай денсизда, а?

СУННАТИЛЛО — Ҳа, домла, бир ҳавас қилдик-да...

ПРОФЕССОР — Хўш, қандай тема устида ишламоқчисиз?

СУННАТИЛЛО — Энди, ихтиёр сизда, домла, қайсиниси маъқул десангиз, биз ўшанга кўнаверамиз.

ПРОФЕССОР — Ҳали мен сизга теманиям танлаб беришим керакми? Уйланганмисиз?

СУННАТИЛЛО — Ҳа, домла...

ПРОФЕССОР — Уйланганингизда келинни, ҳам ўзингиз танлаганмисиз, ёки биров танлаб икки қўллаб тутқазганми, шуни ол, деб?

СУННАТИЛЛО — Йўқе, домла, ўзимиз танлаганмиз...

ПРОФЕССОР — Нега бўлмаса, сиз илмнинг пастбаландлигини билмасдан, унга чин дилдан меҳр, ихлос қўймасдан туриб тема ималаб юрибсиз? Нима илм чайқов бозорими, ё базанинг омборимидики, битта темани секингина олиб, қўлтиққа уриб кетаверсангиз? Тушунасизми буни?

СУННАТИЛЛО — Билмадим, ихтиёр сизда, домла...

ПРОФЕССОР — Ихтиёр менда бўлса, сиздақа чала мулла, илмга энгирча нафи келтирмасдан ундан тўядек манфаат кутувчи нафс бандаларини илмнинг ёнига бир зум ҳам йўлатмас эдим! Тушундингизми? Худди ана шундай қилиняпти ҳам. Ҳайр, саломат бўлинг! Ҳа, амакингизга биздан салом деб қўйинг!

СУННАТИЛЛО — Майли, ихтиёр сизда, домла... Хайр (Чиқиб кетаётиб ўзича). Оббо, бевақт келиб қолибман, шекилли... Ҳе, майли, домланинг уруги кўп, битта ўзимбопини топиб, кандидатскийни ёқлаб олиб, кейин гаплашамиз бу домла билан...

Мухтор ХУДОИҚУЛОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

● Олий ва биринчи лига командалари ўртасидаги СССР футбол чемпионатида бир неча учрашувлар бўлиб ўтди. Москванинг Марказий армия спорт клуби футболчилари ўз майдонларида Одессанинг «Черноморец» коллективини қабул қилишди. Қизиқарли спорт курашида ўтган бу учрашувда ҳар иккала команда дарвозаларига биттадан тўп киритилди ва очколар тенг бўлашиб олинди. Куйбишев шаҳрида эса «Крилья Советов» — «Карпат» матчи бўлиб ўтди. Турнир жадвалининг охирида келаётган бу командалар учрашуви ҳам 1:1 ҳисобида якунланди.

● Биринчи лига пешқадамлари — Минск динамочилари ўз майдонларида Ростов-Дон армиячилари билан ўйнадилар. Бунда майдон эгалари йирик ҳисобда (5:0) ғалабага эришдилар. Изма-из келаётган ҳамшаҳарларимиз эса бугун Душанбада «Помир» билан учрашадилар.

● Чим хоккейи бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида Андижоннинг «Меҳнат» командаси иштирок этяпти. Навбатдаги икки учрашувни андижонликлар Москванинг «Филя» клуби хоккейчилари билан ўтказадилар. Биринчи ўйинда «Меҳнат» коллективининг қўли баланд келди — 1:0. Иккинчи учрашув эса кеча бўлиб ўтди.

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШ БАЗАСИ

БЕКОБОДДАН юз километрча жанубда, Тожикистон территориясидаги ҳушманзара тоғли жойда В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатининг ходимлари учун «Шаршара» дам олиш уйини қуриш ниҳоясига етди. Бу ерда иккита турар-жой корпуси, котежлар, ошхона, спорт майдончаси қуриб битказилди. Янги дам олиш уйида завод комитетининг путёвкалари асосида айни бир маҳалда юз киши дам олиши мумкин.

Бундан ташқари, ўзбек металлурглари пайчилик асосида Ялта ва Сочида санаторийлар қуришда иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

2 ИЮЛДА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Буратино кўргазмаси. 11.00 — Ота-боболар, Сизлар учун. 11.30 — «Тонгги почта». 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.35 — Табиат ва инсон. 13.05 — Бугун — халқаро кооперация куни. 13.15 — Мусиқали программа. 14.00 — Адабий суҳбатлар. 14.55 — Мультфильм. 15.05 — Спорт кўрсатувлари. 15.15 — «Сеҳрли орол» (бадиий фильм). 16.20 — Мусиқали абонемент. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Здоровье. 17.40 — Балет артистларининг концерти. 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳайвонот оламида. 20.15 — «Жаноб Ҳеч-ким» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. СССР — АҚШ. 00.30 — Эстрада оҳанглари. Кўрсатувдан кейин янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Доира рақсга чорлайди. 11.00 — Мультфильм. 11.20 — Бахтим баҳори (телетеатр, 1-қисм). 13.10 — «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 13.50 — Дўстлик экрани. 17.35 — Мультфильм. 17.55 — «Юлдузча». 18.25 — СССР Конституцияси лойиҳаси сатрларида. 18.55 — «Бугун — халқаро кооперация куни». 19.15 — Ахборот. 19.30 — Футбол. «Помир» — «Пахтакор». 21.15 — Ахборот. 21.30 — Куйлант, ёш хонандалар. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Галла ризқ-рўзимиз. 22.45 — «Дипломли қаллоб» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.40 — ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

3 ИЮЛДА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — «Будильник». 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Олға, болажайлар. 13.00 — Мусиқали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — «Ҳур қизлар» (бадиий фильм, 2-серия). 16.00 — Бугун — денгиз ва дарё флоти куни. 16.30 — Концерт. 17.15 — Халқаро панорама. 17.45 — Мультфильм. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Звездочка». 20.15 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг материаллари. 20.30 — Лирик қўшиқлар. 21.00 — Киноэҳтиёжлар клуби. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 23.50 — Байдарка ва каноэда сузиш бўйича СССР чемпионати. Кўрсатувдан кейин — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйлант ёш хонандалар. 10.50 — Мультфильмлар. 11.00 — Қувноқ стартлар. 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.35 — Табиат ва инсон. 13.05 — Бугун — халқаро кооперация куни. 13.15 — Мусиқали программа. 14.00 — Адабий суҳбатлар. 14.55 — Мультфильм. 15.05 — Спорт кўрсатувлари. 15.15 — «Сеҳрли орол» (бадиий фильм). 16.20 — Мусиқали абонемент. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Здоровье. 17.40 — Балет артистларининг концерти. 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳайвонот оламида. 20.15 — «Жаноб Ҳеч-ким» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. СССР — АҚШ. 00.30 — Эстрада оҳанглари. Кўрсатувдан кейин янгиликлар.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/VII да Жизель.

ҲАМЗА НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — Фарғона область Ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг гастроллари, 2/ VII да Утган кунлар.

Кино

2 ИЮЛДА ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Картуш; Иккинчи ҳақиқат (катта зал), Аёл ва иблис (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Картуш — «ЧАПКА» (10.45, 12.30, 14.15, 16.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Халқ романи — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қадрсиз киши — «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30).

Мардлик учун «юз грамм» — «ИСКРА» (20.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Зорро — «ФЕСТИВАЛЬ» 21.15).

Қадрсиз киши — «ХИВА» (21.15).

РАССОМ ХАНДАСИ



— Намунча тошиляпсан ўғлим?
— Кинога тушмоқчи эдик.



— Ҳеч тутилмасдан гапиришингизга қараганда севги изҳор қилишда ҳам «тажрибангиз» бор шекилли?..



Шеф повар: — Ҳайрият бугун пешингача биронта ҳам шиқоят тушмаптия...




— «Куф-суф» қилиб қўйдим, бераётганингни бердинг, лиа нега турибсан?
— Бюллетенчи?..



— Биродар ёмғир тингунча машинангизга кириб тураколай.

А. ХОЛИҚОВ расмлари.



Соябон барг. Пеком тизмаларининг жанубий ён бағирларида бундай улкан барглар қўплаб учрайди.

В. Таран фотоси.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 13274. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1654. XVII